

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 54 (65930)
1996 йил, 31 июль, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ОРАМИЗДА

Яқинда пойтахтимиздаги «Тўқимачи» уйингоҳида спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ушбу беллашув Атлантада бўлаётган ёзги Олимпиада уйинлари кунларида бўлиб ўтаётгани қувонарлидир.

Гапнинг рости, ушбу беллашувлар ҳар галгисидан ҳам бошқачароқ, узгача шиддат, катта маҳорат, қизиқиш, билан ўтди. У Ўзбекистон Халқ

таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Физкультура ва спорт кумитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда республика касабаси уюшмалари томонидан ташкил этилди.

Бунда болалар мини футбол, арқон тортиш, шахмат-шашка, 25 метрга сузиш, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича куч синашдилар.

— Бу мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳлар, кўп қаватли турар-жойлардаги болалар гуруҳлари, маҳаллалар усмирлари иштирок этган даст-


лабки мусобақадир, — дейди Тошкент шаҳар спорт кумитаси раиси Суҳбат Обидович Пулатов. — Унинг самараларидан умидимиз катта.

Касбдошининг сузини беллашувларнинг бош ҳақами Татьяна Емельяновна Марченко давом эттирди:

— Мени қаттиқ ҳаяжонга солган ва фахрлантирган нарса — бу ерда иштирок этаётган ёш футболчилар, сузувчилар, енгил атлетикачилар орасида кўп-кўп бўлгуси олимпиадачиларнинг етишиб чиқишига ишонч-



ГОЛИБЛАРГА ТАСАННО



дир. Ҳозирча болакайлар уйингоҳ йулаклари, сузиш ҳавзалари, футбол майдонларида қизиқарли уйинлар курсатмоқдалар.

Бизнинг билишимизча, кучли баҳслар иштирокчиларининг асосий мақсадлари юқори натижа ёки мукофотли уринларни эгаллаш эмас, балки курашда самаралироқ иштирок этишдир.

Ниҳоят ким уз мақсадига кўпроқ эришганини аниқлаш дамлари ҳам етиб келди. Акмал

Икромов туманидаги 194-мактаб қошида ташкил этилган «Нива» соғломлаштириш оромгоҳининг енгил атлетикачилари умумкоманда ҳисобида биринчилиқни, уғил болалар уртасида эса голиблиқни Расим Шамсуддинов, қиз болалар уртасида Тома Немкова олишди. Футболчилар уртасида совринчилонзорлик ёш чарм туп ишқибозларига насиб этди. Улар Юнусобод тумани спортчилари устидан голиб келишди.

Шахматдан эса шаҳардаги 279-мактаб ўқувчилари олдиға тўшадиган бўлмади.

Юқорида айтганимиздек, анъанавий бўлиб қолган беллашувлар голиблари фахрий ёрликлар ва турли совғалар билан тақдирландилар.

Суратларда: уйин лавҳалари акс этган.

Р. АЛЬБЕКОВ туширган суратлар.

Ёз — қилмоқда сўз

Оромгоҳдаги воқеа

Роҳатинжон ёз фаслида бағри тўлиб, янада яйраб-яшнаб кетувчи Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги улкан қирлар орасида жойлашган «Учқора» болалар дам олиш оромгоҳи сўлимлиги, кўркамлиги билан тилларга тушган. Унинг оромбахш ҳавосию зилол жилғаларини айтмайсизми...

Остидаги ранго-ранг тошларгача аниқ-тиниқ кўриниб турган сой сувларига термулиб: «Қани энди ана шу ям-яшил сув утларини тебратиб қувлашиб юрган баликчаларга айланиб қолсам», — дея ҳаёл суради Жўрабек.

Яқинда нима бўлди денг. Жуда қизиқ, ҳатто бироз кўрқинчироқ, ҳар хил миш-мишларга сабаб бўлган бир воқеа юз берди. Эрталабки ширин уйқунинг мазаси кетар-кетмас бадан тарбия машқларига чиққан болакайлар баҳайбат бир илонга дуч келиб қолишди. Узунлиги ўн метрлар чамасидаги илон қимирламасдан ётарди. Ҳамма саросимада, тўс-тўполонга тўлиб кетди. Яхшики, илон тиряк эмас экан. Кўрқувдан титраётган болакайлар шундагина бироз узларини босиб олишди. Ораларидан чиққан айрим уйинқароқ «ботир»лари ҳатто илонни туртиб ҳам кўришди.

— Йўқ, бу илон эмас, аждаҳо-ку! — дейишди кўзларини ола-қула қилишиб ваҳимачироқлари.

Бир қанча амакилар «музейга топширамиз» — дея илонни олиб кетишдию «аждаҳо» ҳақидаги миш-мишлар янада авжланиб, анчагина дадиллашиб қолган «ботирлар» бир-бирларини кўрқоқликда айблаб, чуғирлашиб кетишдилар.

— Жўрабек! Қаттиқ кўрқингми?... Юракдан ҳам бор эканда-а? Йилғанингинчи...

— Йўқ, ҳечам кўрқмадим. Фақат илонга раҳмим келганидан йилғадим. Ҳали ҳам кўрқув ҳаяжонни аримаган болалардан кўтарилган кўлгу гўё бутун оламни тўлдириб юборди.

Қаҳрамон ЭШМУРОДОВ.

Оқсой Самарқанд вилояти, Нуробод туманининг энг кўркам ва хушманзара жойларидан бири. Тоғ ён бағридаги Уйругул, Оқсой, Тоқбулоқ қишлоқлари баҳаволиги, жаннатмакон боғлари, зилол чашмалари-ю тиниқ булоқлари билан бу ерга келувчилар дилини мафтун этади. Жума шаҳрига қарашли «Сказка» болалар оромгоҳи шу Уйругул қишлоғининг тепасида жойлашган. Мириқиб дам олаётган болалар ёзги таътилнинг сўз утаётганлигидан мамнун.

Лекин мен ҳикоя қилмоқчи бўлган Зоҳиджон оромгоҳда дам олмайди. Лекин болалар уни яхши танишади, ҳаммалари у билан дустлашгиси келади.

Зоҳиджон Мусурмонов Уйругул қишлоғида яшайди. У ҳар кун тонгда туриб эшагини эгарлайди ва сахарлаб тоққа йўл олади. Йўл-йўлакай оромгоҳдаги болалар билан суҳбатлашади, уларга жонажон қишлоғи, келажакдаги орзулари ҳақида гапириб беради.

Зоҳиджон энди 10 ёшга тулди, меҳнатсевар, чаққон. Синфидаги аълочилар тахтасида унинг ҳам сурати

осилган. Ойиси Сабоҳат опа ва дадаси Зокир ака ҳам углининг дастёр бўлиб қолганидан хурсанд. Тоғ орқасидаги Тутлисой деган жойда уларнинг каттагина томорқаси бор. Помидор, ошқовоқ, картошкка, қарам ва бақлажон экишган.

Улар ҳар йили оила аъзолари билан шу ерга кучиб келиб, дехқончилик қилишади.

— Тоғнинг ҳавоси ва суви бошқача бўлади, — дейди Зоҳиджон завқланиб. — Айниқса тут пишиғида бу ерлар жаннат бўлиб кетади.

Ойимлар тутдан шинни пиширадилар, биз эса тутмайиз терамиз. Эчкиларимизнинг қатиғи ҳам тоғда жуда ширин бўлади. Мен ундан ҳар доим қишлоққа — бувимга олиб бориб бераман.

У йўлда кетар экан, туйиб ҳаёл суради, қушиқ ҳиргойи қилади, илҳоми келса, шеърлар ҳам тўқиворади. Узи каби бегубор ҳаёллари уни осмонларга олиб чиқали. Дилига юксак бир орзунни тугиб қуйган — Шоир бўлмоқчи.

Феруза ШОДИЕВА.



ЁРҚИН ЮЛДУЗ

Мен «Ленин учқуни»га 1959 йилнинг апрель ойида муҳаррир этиб тайинландим. Унгача газетага Хотам Қирғизбоев, Йулдош Шамшаров, Санжар Тилпа, Рамз Бобожон, Гани Жаҳонгировлар муҳаррирлик қилишган эди. Таҳририятда болапар матбуотининг ўша пайтдаги жонқурлари Султон Қўқонбеков, Топиб Йулдош, Абдувоҳид Мулламухамедов, Султон Жабборов, Ваҳоб Йулдошев, Айниддин Зайниддинов, Назрулла Умаровлар ишлар эди.

Кейинчалик Уктам Усмонов, Ҳабиб Саъдулла, Муҳаммад Апп, Дилбар Маҳмудова, Усмон Юсупов, Ризвон Сафарова, Ҳамид Жалолов, Эркин Хужаев, Эркин Маликов, Тоҳир Малик, Файзи Шоҳисмоил, Ёқут Раҳимова, Мурод Ҳидир, Рустам Рузमतовлар қадам тебратишди.

Ҳаракатчан ва тиришқоқ Феруза Жалипова, Абдор Орипов ҳозир ҳам таҳририятда меҳнат қилишмоқда. Фақат таҳририятнинг эмас, республика болапар ташкилотларининг жонли тарихи, сураткаш Равиль Альбековнинг меҳнатини апоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Юқорида номлари зикр этилган ходимларнинг фаолиятларини эсласам улар амалга оширган ишлар, ўтказган тадбирлар ҳар йили газетанинг 104 сонли, 416 саҳифасида минг-минг нусхасида босилган республика болапар ҳаётини акс эттирувчи материаллар, ўтказган «Чарм тўп», «Светофор», «Зарница» мусобақалари, «Оқ олтин», «Яшил дорихона», «Ўлкамизни боғ-роғларга айлантира-миз» операцияларни ёдимга тушади. Шуларнинг ҳаммасини ўз сафида иқтидорли, шоир ва ёзувчиларни, журналистларни тарбиялаган кичкинагина, лекин зарбадист жамоанинг аъзолари амалга оширар эди.

«Тонг юлдузи» ёлғиз юлдуз эмас, балки оламни нурафшон қилиб турган Қўёшнинг чақнаб турувчи учқунидек битмас-туганмас нур манбаи. Бунур дилларни чароғон этаверсин.

Сухроб ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат
кўрсатган
ўқитувчи, шахсий
пенсияонер.

Редакциямизда иккита ёзув машинкаси бор. Узоқ йиллар ишлатилиб, «кексаиб» қолганлиги боис ҳали у ер, ҳали бу ери бузилар, хуллас, яхшигина таъмирталаб бўлиб қолганди. Амал-тақал қилиб ёзиб юрган кунларимизнинг бирида бир уста пайдо бўлдию, болалар газетаси учун холис хизмат таклиф этди.

Уста бир неча соатлик иш жарғида машинканинг лента айланувчи қисми, синган ҳарфлари, қоғоз маҳкамловчи, қаторлар орасидаги масофани тенг ташлаб берувчи мурваларини солади. Иш давомида биз касби унга бобомерос ва отамерос бўлгани, исми-шарифи Комилжон Аҳмаджонов эканлигини билиб олдик.

— Уста, янаш манзилгини аниқ айтсангиз, хизмат ҳақингизни юбормоқчи эдик, — дедик.

У икки қадам ортга тисарилди. «Болалар газетасига бир ишласак ишлабмиз-да, ахир савоб ҳам, хунарни кўл хайрияси ҳам керак-ку!» деди.

— Унда болаларингиз қаерда ўқишади, исмлари нима, улар ҳам сизга ўхшаш саховатли инсон бўлсалар керак, — дедик бошқа нима дейишни билмай, балки улар ҳақида ёзармиз?

У тўрт қадам ортга тисарилди ва тезгина жўнаб қолди...

Устанинг бу ҳатти-ҳаракатлари редакциямизнинг кекса, аммо ҳамшиша ёш сураткаши Равиль Альбековга жуда-жуда ўхшарди.

— Равиль ака, қарийб қирқ йилдан буюн мана шу касбасиз. Қизил империя даврида заҳарли дорилар сепилган далаларда, қиш қаҳратоню, саратон жазирамасида доимо йўлда қаҳрамонларингиз билан бирга бўлдингиз, уйингиз, оилангиздан ташқари вақтлар соғлигингиз ҳақида ўйламадингиз катта бойлик орттирмадингиз, аммо обрўйингиз катта, ижодкорлар орасида номингиз бўлакча. Сиз 60 ёшга тўлаётган кунларда келинг, озгина сиз ҳақингизда ҳам одамларга билдириб қўйлик, — дедик.

Сураткашимиз ёш боладай қизариб бўзардилар, хуллас, рози бўлмадилар.

Равил ака туғилган кунлари кичик зиёфат уюштирдик. Ва унга ўтган узоқ йиллар биз билан бирга ишлаган собиқ ходимларни ҳам таклиф этдик. Чақчақлашиб, гурунглашиб, ўтганларни эслаб ўтирарканмиз, ҳар бирларини бола нигоҳ кузатдик. Иллар сочларига оқ оралатган, пенионаларига чизиклар торган, бироқ чехралари, хулқ-атворлари ўша-ўша. Улар доимо СЎЗ қадрини, қимматини баланд кўтарган, унинг қадрига етадиган инсонлар. Қиттак ширин сўздан олам-олам маъно ахтарадилар, арзимаган кўнгалхирлик, дилларини қоронғу, кўнгалларини вайрон қилади, бошқаларни ҳам СЎЗ ва ҲИССИЁТ қадрига етишга ундайдилар. Асли одамзод насли шундай-да!

Бу мақолаларни ёритишдан мақсадимиз нима? Аввало истеъдодли сураткаш Равиль Альбеков номига айтилган илиқ гаплар таҳририятимиз шаънига айтилганини эътироф этиш. Шунингдек қачонлардир бир миллион нусхада нашр қилинган газета шу қадар оғир ва кўп меҳнат талаб этганини таъкидлаш. Қолаверса бу хайрли ишлар шу йилнинг 1 август кунини «Тонг юлдузи» газетаси чиқа бошлаганига 67 йил тўлиши муносабати биландир.

МАСЪУЛ КОТИБ МАСЪУЛИЯТИ

Мен 1964 — 1974 йилларда «Ленин учқуни» газетаси таҳририятида ишлаш бахтига муяссар бўлганман. Аввал адабий ходим, булиммудири, кейин — масъул котиб...

Ўша даврларни эсласам, бир энтикиб тушаман, қалбим гурурга лиммо-лим тулади. Эҳе, «Учқун» (биз уни эркалаб, шундай

роб Йулдошев тасдиғидан ўтказгандан сўнггина, енгил нафас олиб, масъул котибга топширардик.

Газетани, менимча янги бир бинога қиёс қилиш мумкин. «Ленин учқуни»да эса, масъул котибни ана шу курилажак иншоотнинг меъмори, «қурилиш штаби»нинг бошлиғидеишарди. Не-

қолаларининг мазмуни қизиқарли, мундарижаси бой, ҳажман ихчам, тили равон ва бурро бўлиши, хуллас, кичик ўқувчиларни ҳар томонлама узига ром этиши шарт. Бундай рузноманинг суратлари, расмлари, мақоаларнинг жойлашиши ҳатто ҳарфи «катта» гезаталарникидан кескин фарқ қилиши керак, деб ҳисоблардик. Унинг саҳифаларида сураткашнинг ижодий кашфиётларига, мусаввирнинг ҳаёлий парвозига эрк бериш лозим, дердик.

Менимча, масъул котиблик

— ҳам-мани-нинг ҳам қулидан келадиган ва зифа эмас. Унинг иши ҳам, юму-



деб аттардик)да кимлар ишламасди дейсиз?! Кейинчалик машҳур адиббулибетишган Уктам Усмонов, фельетончилар сарварига айланган Усмон Юсупов, оддий курьерликдан «Наманган ҳақиқати» вилоят рузномаси бош муҳаррири давозимигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтган Талабой Назиров...

Биз, олий ўқув юрғларини эндигина битирган, еки туғатиш арафасида турган ёшлар ёзиш сирларини Абдувоҳид Мулламухамедов, Назрулла Умаров, Ҳамид Жалоловлардан ургандик. Ёзганларимизни эса уга талабчан, қаттиққўл, аммо, ниҳоятда меҳрибон муҳарриримиз Сух-

гаки, бинонинг кўрки, салобати ва гузаллиги, аввало, лойиҳада акс этганидек, туғилажак газетанинг шакли ва шамойили макетда — булажак саҳифа нусхасида гавдаланади. Меъмор тинмай изланганидек, узини ҳурмат қилган котиб ҳам ҳар кунини газетанинг янги сонини макети устида кунг билан ишлайди, саҳифаларни бе-зашининг янги-янги қирраларини қидиради. Чунки, удоим ўз газетасининг қиёфаси бошқа рузномаларникидан кўркамроқ, сулувроқ бўлиши иштиёқи билан ёнади...

Болалар газетасининг макети-га эса талаблар узгача, чунки, унинг безатилиши жозибдор, ма-

ши ҳам кўп. Деярли ҳар кунини у тайёр мақоаларни бирма-бир кўздан кечирини, теришга бериши, макет қилиши лозим. Буш қолди дегунча, узини қизиқтирувчи мавзуларда бирон нарса ёзгиси келади, албатта.

Бунинг устига таҳририятда муҳаррир уринбосари давозими йўқ. Шу боис масъул котиб, қоидага кура, унинг ҳам вазифасини адо этар, бошқача айтганда, жамоанинг бошини қовуштириб, уларнинг куч-гайратини газетани олдидан турган вазифаларни адо этишга сафарбар қилишда, таҳририятда соғлом, ижодий муҳитни яратишда, газетанинг турли оммавий маданий тадбирла-

рини ўтказишда муҳаррирнинг энг яқин ёрдамчиси ҳисобланарди.

Мен қаламкаш ходимлар билан бир қаторда, ваколат доирамга кура, фотомухбир Равиль Альбеков, рассомлардан: Ҳамидулла Абдуллаев, Ақром Олимжонов, Равил Халилов, саҳифаловчи Мирвафо Мирбоқиев, машинисткалар Зухра опа Толпова, Насима Нетьматова, мусаҳҳиҳлардан Эргаш Мавлонов, Зиядулла Йулдошевлар билан бақамти туриб, вақт билан ҳисоблашмай (баъзан дам олиш кунлари ҳам машинистка, сураткаш ва рассомларнинг уйига бориб, уларни ишлашга «мажбур»

қилганимни эсласам, ҳижолат тортиб кетаман), ўтган кунларимни соғинаман. Биз соатлаб талашардик, тортишардик, баҳлашардик, аразлашиб ҳам қолардик. Лекин, ягона мақсад — болалар газетаси талаблари даражасида чиқариш нияти ҳаммамизни яқдил қилган эди. Газета ва журналларни саҳифалаш ва безатиш буйича ўтказилган Урта Осиё ва Қозоғистон Республикалари курик-конкурсларида «Ленин учқуни» совринли уринларни бот-бот олган экан, бунда, эҳтимол, бизнинг ҳам камтарона меҳнатимиз ҳиссаси булса ажаб эмас.

Тугри, ҳамманшимиз силлиқ борарди, дея олмайман. Босмаҳонанинг техник имкониятлари ҳозиргидек юқори бўлмаган. Шу туфайли айрим ҳолларда ўйланган ниятларимиз руёбга чиқмасди. Аммо, хато қилсак — камчилигимизни тузатадиган, қоқилсак — суяб қўядиган, йиқилсак — туриб кетишимизга ёрдам берадиган устозлар, жамоа бор эди.

Бударгоҳда масъул котиблик қилган йилларим, шахсан мен учун, катта ҳаёт мактаби, чиниқши омили, турмуш иқир-чиқирларини сеза билиш манбаи, одамлар билан муомала қила олиш синови даври будди. Энг муҳими, бу йиллар мени зиммага юкланган бурчини ўз вақтида ва иложи борида қўнғилдагидек бажаришга ургатди. Бу фазила-лар республикамизнинг отахон «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида ҳам ун йилдан зиёд масъул котиб вазифасида ишлашимда жуда асқотди.

Эркин ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий
Кенгаши масъул ходими.

— Бир ҳайкалтарошдан сурашибди: Нима учун сизнинг ҳайкалларингиз ҳаммани ҳайратга солади, маҳоратингизнинг сири нимада?

Ҳайкалтарош узоқ уйлаб ҳам утирмай, жавоб қайтарибди:

— Мен ҳеч қандай гайритабиий иш қилмайман. Фақат ясаган ҳайкалларимда ортиқча нарса булмайдди, холос.

Қулимда ўқувчиларнинг бир даста шеърӣ машқлари. Уларни куздан кечириб, шундай хулосага келдимки, кунчилиги айнан ана шу ортиқчалик қусурдан холи эмас экан.

**Боққа кирсам кўнглим ўзгача,
Бир гўзаллик ва софлик туйдим.**

**Зар нурларин ёйганда кўёш,
Гуллар шодоғ тебраниб кўйди,** — дея чиройли мисралар билан бошланган шеърнинг ривожидан ажойиб шеър кутасиз. Афсуски, гиждувонлик мактаб ўқувчиси Дурдона Шораҳимова ўз шеърини бундай давом эттиради:

**Ўнг томонга қарасам, бодом,
Сўл томонда оромбахш анҳор.
Гулгун кўёш завқини куйлар,
Илк бор уйғонибди бойчечаклар ҳам,
Илк бор уйғонибди асаларилар.**

Дурдонанинг интилишларидан табиат ва гўзалликни ҳис қилиш иқтидорини пайқадим. Аммо сузамоллик ва курган нарсани куруқ баён қилиш услуби бу тасвири бузиб қуяётгандек туюлди. Истеъдодли шоир Рустам Мусурмоннинг жуда гўзал бир шеъри бор:

**Арчалар «ҳечқиси йўққа» йўйишар,
Қишнинг куч-қувватдан кетганлигини.
Ўриклар ёғийга сотиб кўйишар,
Баҳорнинг билдирмай келганлигини.
Қорлар қоялардан ўзин ташлайди,
Тоғларнинг энг чуқур дараларига.
Чечаклар эмаклар чиқа бошлайди,
Қишнинг бўйсинмаган қалъаларига.
Лолалар очилар бирдан ловуллаб,
Қишнинг мустамлака ўрмонларида —
Қип-қизил қон оқар ерга шовуллаб,
Баҳорнинг баҳодир елкаларидан.**

Шоир баҳорнинг гўзаллигини, ҳеч бир фаслга қислаб булмамлигини шундай таърифлайди. Лекин нима учун Рустам Мусурмоннинг «Баҳор»ини ўқигач юрагимиз гупиллаб ура бошлайди-ю Дурдонанинг шеърдан сунг бундай ҳолатга тушмаймиз. Назаримда Рустамнинг шеърини ўқиганда, қачонлардир курган танишингизни қайта кургандек қувонасиз. Уни шунча куриб-билиб юрган бул

сангиз ҳам, гузаллиги, ажиб белгилари-ю яширин сир-ас-рорларини пайқаймай қолганингизга ҳайрон қоласиз. Дурдонанинг шеърини ўқиб эса, кунда куриб юрган кишининг ёнидан бе-парвогина утиб кетгандек буласиз. Чунки унинг тасвиридаги баҳорда гунчаларнинг кулиши, анҳорнинг шарқираб оқишини, бодом гуллаши, япроққа булбул қўнишини, гул очилиши-ю бойчечак уйғонишини ҳаммамиз ҳам яхши биламиз. Аммо кишининг занжирлари заминни мустамлакага айлантириши-ю, лолаларнинг ёқут ранги баҳорнинг баҳодир елкаларидан оқаётган қонга қисланиши қалбингизни алланечук ҳаяжонга солади. Албатта, ўқувчининг шеъри билан таниқли шоир шеърини таққослашимдан мақсад, бирини ерга уриб, иккинчисини кукларга кутариш эмас. Балки Дурдона уз камчиликларини яққолроқ сезиши, яхшироқ тушуниши учун келтирдим, холос. Чунки, одатда камчиликлар солиштириганда яна ҳам яққолроқ кузга таниланади.

Андижон вилояти, Оқолтин туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Муҳаррам Болтабоевнинг «Юлдузлар» ҳақидаги шеърини олиб

Тахририятимизга сиз ўқувчилардан келган ҳар ўнта хатнинг саккизтаси шеър бўлади, мавзу жиҳатдан ҳам, услуб жиҳатдан ҳам ранго-ранг машқлар. Уларни ўқир эканмиз, кимнингдир дилидаги жўшқин ҳис-ҳаяжонини жиловлашга, ёки бўлмаса, қалбини ўртаётган кемтик армонларини қоғозга туширишга интилаётганини пайқасак, яна қай бирларингизнинг шеърӣ машқларингизда таниқли шоирларга тақлид аломатлари сезилгандек бўлади. Нима бўлганда ҳам, ораларингизда шеърӣят шайдолари, «шоир бўламан» дея оппоқ орзулар қанотида парвоз қилаётган ўғил-қизларимизнинг кўп бўлгани яхши. Зеро, шоир табиат болаларнинг диллари пок, ниятлари фақат эзгулик бўлади.

Тахририятимизга келган шеърларингизни жамлаб, шоира опангиз Кавсар Турдиевадан уларни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

ШЕЪРИНГИЗНИ ЎҚИДИМ...

курайинк:

**Юлдузлар, юлдузлар, гўзал юлдузлар,
Ҳар қоронғу кечада мисли кундузлар.
Нега порламайсиз сизлар кундузлар?
Юлдузлар, юлдузлар, гўзал юлдузлар.**

«Мен бир нарсанинг номи-ни аташни яхши кураман» деб ёзган экан Равшан Файз. Ҳақиқатан ҳам шеърӣят деганлари шу узи. Ой, кўёш, юлдузлар ҳақида ўқиб, инсонларни куз олдинга келтирсанг, шеърнинг даражаси, ютуғи ҳам баланддек туюлади. Шеър — ибод ва ҳаё пардасига уралган қиздек куринади кузингга.

Мен ҳам юлдузлар ҳақида бир шеър қоралагандим. Аниқроғи, юлдузлар ҳақидаги эртақ, одамлар ҳақидаги ҳақиқатни ёзганман...

**Юлдузлар, ой сиздан ранжиди,
Билдим деб хоҳишу ройини.**

Кўкдан-да устун у дедингиз,
Осмоннинг бу кунги ойини.

Милтираб, пилдираб оқади,

Сўзингиз арқондек кечаси.

Юзига чойшабни тортади

Заминнинг камтарин кўчаси.

Кўрдингиз бугунги тобонинг,

Ёғдуси, шуъласи, тоғларин,

Кўрдингиз кечаги моҳининг,

Юзини маҳв қилган доғларин.

Шеърдаги Ой

ва Юлдузлар инсонларнинг тимсолидир. Айрим мансабдор кишиларни ураб туриб, уни кукларга кутарадиган, лавозимдан тушиб қолган одамдан эса камчилик ва нуқсонлар қидирадиганлар ҳақидадир. Бундай ҳолатлар нафақат катталар, балки болалар орасида ҳам учраб туриши мумкин. Масалан янги уйинчоқ велосипед еки самокатнинг эгаси булган боланинг бирданига дўстлари купайиб қолади. У бузилиб еки йўқолиб қолгудек булса, дўстлари ўз-ўзидан узоқлашиб кетадилар.

Яна бир шеърни қулимизга оламиз. Наманган вилояти, Турақурғон туманидаги 35-мактаб етакчиси Гуломжон Худойбердиев ўз шеърини «Типратикон» деб номлабди. Шеър болалар учун жуда осон ўқиладиган, содда тилда ёзилиши билан бирга, улар эътиборига бир жумбоқни таштайди.

Типратикон, типратикон,

**Дўстинг борми сенинг бирон?
Тиконингдан кўрқиб ёки,
Безганмиди дўстинг кўён?..**

Еш китобхон наздида типратиконнинг белги хусусияти аввалига ташқи қиёфаси учун дўст тополмагандек булиб туюлса-да, кейинчалик бу ишлар шунчаки тикон эмас, захарханда кулгу, меваси ширин танқид ҳам эканлигини тушуниб етади.

Бобо деҳқон полизида

Маза қилиб тарвуз едик.

Акмал, Хумор ва мен бирга,

Ҳорманг, бобо деҳқон дедик,

— деб ёзади муаллиф яна бир шеърда. Бу шеърдан бирор янгилик олиш амри маҳол. У шунчаки айтилган гапдек. Гарчи қофияланган булса-да, шеър эмас. Бу мисраларни ўқиган ўқувчи беихтиёр «Нима қилибди?» дея елка қисини тайин.

Афсуски, қулимиздаги бир даста шеър муаллифларини номма-ном санаб утишнинг имконияти йўқ. Лекин уларнинг аксариятида юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонлар такрорланади. Бухоролик Одил Аблоқулов, фарғоналик Юсуфий, бухоролик Дилоро Сағторова, Учқуипир туманидан Шухрат Тупаев, каттақурғонлик Обиджон Турсуновларнинг шеърлари шулар жумласидандир.

Ҳар бир шеър замирида бирор бир маъно, енгил кулгу кутарувчи ҳолат ва ундан келиб чиқадиган тарбиявий аҳамият мужассам булмоғи керак. Акс ҳолда у оддий хабарга айланиб қолади. Аммо оддийгина бир хабарни ҳам катта муаммоли шеърга айлантириш мумкин. Абдулла Орипов узининг «Қалдирғоч» номли шеърини езишдан олдин бу қуш ҳақидаги маълумотни бирон бир газета еки табиатга оид китоблардан ўқигандир. Бу маълумот шеърда шундай талқин қилинади: Қаерда бир ёнгин чиққудек булса, қалдирғоч тумшугида сув, чумчуқ эса хас кутариб борар экан. Муаллиф «Дунё тулсин қалдирғочларга», дея шеърини якунлайди. Курдингизми, оддий қушлар тимсолида дўст ва душман қиёфаси чиқиб берилади: кичик китобхон қалдирғоч тимсолида жанжалларни босди-босди қилувчи дўстни кўрса, чумчуқ рамзида эса дўстларини бир-бирларига гиж-гижлатиб, жанжал бошловчи, ичи қора, болаларни куз олди-га келтиради.

Курдингизми, шеър езиш ҳам осон, ҳам қийин. Ҳақиқий шоир булиш учун энг аввало истеъдод, қолаверса, тинимсиз меҳнат, изланиш, синчков нигоҳ ва пухта билим талаб қилинади. Мана шу хусусиятларни узингизда жамлашга ҳаракат қиласиз, деган умиддаман.

**Кавсар ТУРДИЕВА,
Филология фанлари номзоди.**



Шоирлар болаларга

АССАЛОМНИНГ ҚУДРАТИ

На салом бор, на алик
 Нима гап, укам Малик?
 Тоғда битган бодомдек,
 Хода ютган одамдек,
 Қошу қовоғинг тушган,
 Лабу даҳанинг шишган?
 Анқов бўлиб қолдингми?
 Соқов бўлиб қолдингми?
 Ё оғзингга тўлдириб,
 Сувми, толқон солдингми?
 Энди укам бу ҳолат
 Сенда учрар доимо.
 Салом берсанг бир жойинг
 Камайиб қоларми, ё?
 Дўстларингга қарасам,
 Кимки ўтса кўчадан,
 Ассалому алайкум!

Дерлар дарров ўша дам.
 Сени қанча кузатмай,
 Ўхшамайсан уларга.
 Кўриб сенинг ҳолингни,
 Кучим етмас куларга.
 Укам, кимнинг ўғлисан?
 Сен аслида ўзбек-ку!
 Қўшни-қўшни дегандек,
 Бир қошу бир кўздек-ку!
 Саломга сен шунчалик
 Бўлма, укам, сен лоқайд.
 Бу калима кўнларга
 Ёрдам бергандир бир пайт.
 Қонсираган душманинг
 Сенга қилганда зуғум,
 Бўшашиб қолган десанг:

— Ассалому алайкум!
 Қўлни қўйиб кўкракка
 Кўришганга не етсин!
 Очиқ чехра, юз билан
 Сўрашганга не етсин!
 — Ассалому алайкум!
 — Ваайлайкум ассалом!
 — Сизга соғлиқ тилайман!
 — Мен ҳам шундай
 дегайман!
 Деганидир бу калом
 Бор гапим шу вассалом!
 Ассаломнинг қудрати
 Мана шунақа улкан,
 Ким қилса амал унга
 Омади доим келган.

Искандар РАҲМОН.

ҚАРҒА ВА ҲАККА

— Бир чуқиб, ун қараб нима қилипсан? — сураб қолди Ҳакка Қаргадан.

— Чучитиб юбординг-е, ҳакка-ламай улгур. Нима қилардим, бир суяк умарувдим шуну...

— Э, умарсанг мана бунақасидан умар-да, — деди Ҳакка панжасидаги тилла узукни куз-куз қилиб.

Узукни куриб Ҳакканинг кузлари уйнаб кетди...

ЧАПАК

Чап кул билан унг кул бир-бировларининг елкаларига қоқишди.

— Баракалла! — деди Унг кул.
 — Яшавор! — деди Чап кул.

ИККИ СОЧ

— Нега сен бунақасан-а, — деб қолди Қора соч Оқ сочни менсимасдан,

— Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек, — деб жавоб қилди Оқ соч.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ.

МИТТИ МАСАЛАР

ЁМҒИР БИЛАН ТЎЗОН

— Ол-а, бутун оламни тугади-ган булдик, — дея жар солди аллақандай тентак шамолга қушилишиб кутарилган Чанг-тузон.

Ёмғир савалаб утган ҳам эдики, ундан асар ҳам қолмади.

ТУЯ БИЛАН ИЛОН

— Вой-бу, мунча ҳам эгри-бугри булмасанг-а? — деди Илон Туяни куриб.

— Узларидан сурасак? — жавоб қилди Туя.

ФИЛ БИЛАН ПАШША

— Мен Филман, — деб керилиб қолди бир Пашша.

— Ким айтди? — ҳайрон қо-

лишди жониворлар.

— Бир ҳовлиқмачи ошнам... — деди Пашша.

ШОХ ТАШЛАГАН ВАРРАК

Дуппа-дуруст учиб турган Варрак у ёқ, бу ёққа қийшайиб, шоҳ ташлай бошлади.

Йуқ энди у учолмайди, қулаши аниқ.

ҚУЁН — ҚАҲРАМОН

— Мунча кўрқоқсан? — деб сурашди Қуёндан.

— Аксинча, — деб жавоб қилди Қуён, — чор атроф Бури-ю Тулки, ҳатто Шерлар билан гулиб етганда улар орасида мендек жониворнинг беозоргина яшаши қаҳрамонликдир.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Шерзод: — Дадажон, қилмаган иши учун болани жазолаб буладими?

Отаси: — Йуқ, албатта.

Шерзод: — Онам булсалар мени жазоламоқчилар. Дарс қилмаганим учун.

Лобар кучадаги машиналарга анча тикилиб тургач, сурайди:

— Автомобиллар катта булганда нима булади? Автобус булишадими?

Абдухамид, XIX аср кимёгарлари ҳақида нима биласан?

— Уларнинг ҳаммаси аллақачон улиб кетган.

Уқитувчи: — Сен катта булганингда қим булмоқчисан, Бегзод?

Бегзод: — Аввал доктор буламан — буни отам

хоҳлайди. Кейин уқитувчи буламан. Буни онам хоҳлайди. Ундан кейин мури тозаловчи буламан — буни узим хоҳлайман.

— Билет неча пул туради? — деб суради кинотеатр кассиридан бола.

— Йигирма тийин.

— Менда атиги ун тийин бор. Киригиб юборақолинг, — кинони бир кузим билан кураман.

Кичкина Нигора онасини огоҳлантиряпти:


— Агар менга музқаймоқ олгани пул бермасангиз, автобуса чиқишимиз билақоқ, сизни буви деб атай бошлайман.

— Дада, сиз куендан кўрқасизми?

— Йуқ.

— Булмаса, нега куён овига ит билан милтиқ кутариб борасиз.

Бўш вақтларда



ЎҚИНГ-ЧИ?

Шаклдаги айланаларда ибратли ўзбек халқ мақолаларидан бири яширинган. Бош ҳарфни топиб, шакл марказидаги эгри чизиқлар йўналиши бўйича ёзинг. Қайси мақол?


СЎЗЛАРНИ ТАЪРИФЛАНГ

Куйида таърифланган учта ҳарфли сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналиши бўйича ёзинг.

1. Мамлакатимиз пойтахтининг қадимий номларидан бири.
2. Қисқа муддатли, талофот келтирувчи ёгин.
3. Шохмот уйини донаси.
4. Йирик йиртқич ҳайвон.
5. Шарқ бозорларига хос усти ёпиқ баланд том.
6. Сузлашув воситаси.

Жавобларни тўғри ёзган булсангиз, шаклдаги 7 дан 12 гача булган рақамлар атрофида белгиланган хонадан йўналиши бўйича яна 6 та 2 ҳарфли сўзларни уқийсиз.

Ф. ОРИПОВ тузган.



Жавобларингизни текширинг

Газетамизнинг 33-, 34-, 39-сонларидаги «Нечта айлана?», «Усимликлар топқирлик машқи», «Ўқинг-чи?» бошқотирмаларининг жавоблари:
 1. 88 та айлана. 2. 1. Енғоқ. 2. Қайин.
 3. Тариқ. 4. Чинор. 5. Чигит. 6. Зигир. 7. Лимон. 8. Қамиш. 9. Майиз.
 10. Гилос. 11. Шивит. 12. Бодом. 13. Қовоқ. 14. Анжир.
 3. Халқ санъати — ҳаёт зийнати. «Х» ҳарфидан бошлаб турт хонадан қолдириб уқилади.

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир ҳайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0377. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топширин вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<p>• Рўйхатдан ўттиш тартиби № 000137 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Магбулотчилар кўчаси, 32-уй. • Нашр кўрсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25</p>
--	--	---	--	---